# «PAXTA-BANK»: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИГА МАСЪУЛМИЗ

***Комил ишонч билан таъкидлаш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланиб, иқтисодиётнинг асосий тармоқларида мутаносиблик, изчил ривожланиш кучаймоқда, моддий фаровонликнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланган ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бир маромда ўсиб бормоқда. Биргина қишлоқ хўжалигц тармоғида маҳсулот етиштириш етти фоиздан зиёдроқ кўпайди. Бунда тижорат банклари тизимининг хизмати беқиёсдир.***

***Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат банки — «Пахта-банк» ҳам бундан мустасно эмас. Ушбу саҳифада «Пахта-банк»нинг бугунги фаолияти ва истиқболдаги иқтисодий режалари ҳақида ҳикоя қилинади.***

«Пахта-банк» фаолияти ҳақида сўз юритишдан аввал шуни таъкидлашни истардимки, «Банк тизими — мамлакат иқтисодиётининг қон томири» деган ибора ҳаётий ҳақиқатдир. Кучли банк тизимига эга бўлмаган жамиятда иқтисодий ривожланиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ҳатто иқтисодий тараққий этган мамлакатда ҳам банк тизими таназзулга учраса, давлат ва жамиятнинг инқирозга юз тутиши муқаррардир. Бу банк тизими ходимлари зиммасига нақадар мураккаб, масъулиятли, шу билан бирга, шарафли вазифа юклатилганлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда Президентимизнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгашлари навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқлари ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси билан суҳбатлари бутун республикамиз жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотиб, юртбошимизнинг маърузаларига нисбатан билдирилаётган фикрлар ҳар биримизнинг қалбимиздан чуқур жой олди. Зеро, бу маърузалар ўзининг ўта халқчиллиги, ҳар бир инсон манфаатини ҳимоя қилиши, адолатни қарор топтириб, қонун устуворлигини таъминлаш тамойилига астойдил риоя қилинаётганлигининг яққол ифодасидир.

Масъул ходимлар, айниқса, раҳбар лавозимидаги амалдорлар шаънига билдирилган рўй-рост, аччиқ танқидлар ҳар биримизнинг, шу жумладан, барча банк ходимларининг ҳам ўзига-ўзи ҳисоб беришига, ҳам ички дунёқарашини, ҳам лавозим мажбурияти ва бурчларини тубдан қайта таҳлил қилишга мажбур этди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, барча акциядорлик-тижорат банклари учун катта тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжат, яъни «Акциядорлик-тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон қабул қилиниб, унда банк фаолиятини бошқаришда акциядорлар ролини ошириш, банк ходимларини шартнома асосида ишлашга ўтказиш, кредит берилиши ва уларнинг қайтарилишини таъминлашда банкнинг раҳбар ходимлари ва ижро органлари масъулиятини ошириш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу Фармон билан акциядорлик-тижорат банкларининг юқори бошқарув органлари, яъни акциядорлар йиғилиши ҳамда банк кенгашининг ваколатлари кенгайтирилган бўлиб, ўз навбатида банк акциядорларининг ҳуқуқ ва манфаатларини оширишга, банк кенгашига банкнинг кундалик фаолияти устидан назорат ҳамда унинг устувор йўналишларини белгилаш ва бошқа бир қатор ҳуқуқлар билан бирга унинг банк акциядорлари олдидаги бурч ва мажбуриятларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда «Пахта-банк»нинг мижозларни кредитлаш ва маблағ билан таъминлаш имкониятлари жиҳатидан республика тижорат банклари ўртасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турганлиги ҳам кейинги йилларда олиб борилаётган кредит сиёсатимиз тўғри эканлигидан далолат беради. Эндиликда банкимизнинг 13 та минтақавий бошқармаси, 182 та туман бўлими 50 мингдан зиёд юридик шахсга жаҳон андозалари даражасида бевосита кредит ва ҳисоб-китоб хизмати кўрсатмоқда. Кейинги икки йил давомида банкимизнинг мустақил халқаро аудит текширувидан муваффақиятли ўтганлиги ҳам буни яққол тасдиқлайди. Халқаро аудитнинг хулосасида банкнинг бухгалтерлик ҳисоботи ҳаққоний эканлиги, капиталнинг адекватлиги, молиявий аҳволининг барқарорлиги ўз аксини топди. Бу эса танланган тараққиёт стратегияси банкни янада ривожлантириш ҳамда барқарор фаолият юритиш ва республика қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун чет эл инвестицияларини кўплаб жалб этиш имкониятини яратади.

Банкнинг ликвидлилигини таъминлаш ва молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, активлар сифатини яхшилаш мақсадида қатъий кредит сиёсати олиб борилди, натижада муаммоли кредитлар миқдори сезиларли тарзда камайди.

Йил давомида банк бошқарувининг йиғилишларида Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари юзасидан ижро интизоми, вилоят бошқармалари ва бўлимлари фаолияти, кредит портфелининг аҳволи, кредит ресурсларидан фойдаланиш, қимматли қоғозлар билан ишлаш, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ корхона ва ташкилотлардаги тўлов интизоми, кадрлар сиёсати ва бошқа бир қатор долзарб масалалар мунтазам равишда кўриб борилмоқда.

«Пахта-банк» акциядорларининг шу йил март ойида бўлиб ўтган навбатдаги йиллик ҳисобот йиғилишида банк бошқаруви олдига аниқ вазифалар қўйилган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда бутун банк фаолияти 1998-2000 йилларда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Дастурини амалга оширишга қаратилди.

Ҳозирги кунда банкнинг жамлама капитали 6628 млн. сўмни ташкил этиб, унинг миқдори, халқаро стандартлар меъёрларига кўра, активлар ва банк мажбуриятларини қоплаш учун етарлидир. Марказий банк белгилаб берган, шунингдек, капиталнинг етарлилиги, ликвидлилиги ва банк даромадлилиги бўйича халқаро амалиётда қабул қилинган барча иқтисодий меъёрлар бажарилмоқда.

Жорий йилда ҳам банк ресурс имкониятини ўстириш сиёсатини олиб борди. Ўтган ўн ой давомида банк ресурслари ўсиб, 96 млрд. сўмни ташкил этди. Омонат ва депозитларга аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг қўшимча пул маблағларини жалб этиш, қишлоқ аҳолисига кенг кўламда хизмат кўрсатиш юзасидан банк инфратузилмасини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда. Бевосита хўжаликларда жойлашган ва энг замонавий воситалар билан жиҳозланган мини-банклар тармоғи кенгайтирилди.

Бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бири бўлган хусусийлаштириш жараёнига ҳам банк ўзининг катта ҳиссасини қўшмоқда. Ҳукуматимизнинг бу борадаги қарорларини бажара бориб, банкнинг фонд бозоридаги операциялари ҳажми турли акциядорлик жамиятларининг акция пакетини сотиб олиш ҳисобига кўпайди. «Ўзпахтасаноатсотиш», «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш», «Ўзқишлоқмаш-холдинг», «Ўзпаррандасаноат» ва бошқа бир қатор акциядорлик жамиятларининг йирик миқдордаги акциялари сотиб олинди.

1998 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, банк кредит портфелининг ҳажми 71 млрд. сўмни ташкил этди ва йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан бир ярим баробар ортди. Жорий йилда кредитлар асосан қишлоқ хўжалиги корхоналари ва унга хизмат кўрсатиш тармоқлари, инвестиция дастури бўйича ҳукумат дастурларига ҳамда аҳолини зарур турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳаларига йўналтирилди.

Кредит қўйилмалардаги узоқ муддатли кредитлар салмоғи 21,4 фоизга ортди. Жумладан, Ҳазорасп шакар заводи, «Ас-Ойим-Текстиль» қўшма корхонаси, «Қува» тўқимачилик мажмуи қурилишларига етарли миқдорда кредит ажратилди.

Қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш учун халқаро молия институтлари билан яқиндан алоқа ўрнатиш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этишни ривожлантириш орқали банкнинг капитал қўйилмалар билан боғлиқ валюта операциялари ҳажмини кенгайтириш бизнинг бош вазифаларимиздан биридир. Зеро, бунинг учун бизда етарли имконият ва салоҳият бор.

«Пахта-банк» 13 давлатнинг 36 та банки билан вакиллик муносабатларини ўрнатган. Документар операциялар миқдори ва ҳажми сезиларли даражада ортди. Бошқариш амалиётида биринчи маротаба экспорт аккредитивлари билан операциялар бошланди.

Маълумки, ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахта-банк» ўз номи билан республикамизнинг асосий тармоқларидан бири бўлмиш қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи етакчи банклардан биридир. Ушбу тармоқда кейинги пайтларда катта ўзгаришлар юз берди. Жумладан, бу борада «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)», «Фермер хўжалиги», «Деҳқон хўжалиги» тўғрисидаги Қонунлар, «Ер кодекси» каби бир қатор муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниб, жорий этилаётгани алоҳида аҳамиятга эга.

Ўтган даврда қишлоқ хўжалик корхоналарига пахта ва ғалла ҳосили учун бир неча босқичда 50 млрд. сўмдан зиёд пул маблағлари йўналтирилди. Банк операцияларининг мутлақо янги, мижозлар учун ғоятда қулай бўлган факторинг операциялари кенг қўлланила бошланди.

Буларнинг ҳаммаси пахта ва ғалла етиштириш учун зарур бўлган товар-моддий бойликлар, жумладан, ёнилғи, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғитлар, электр қуввати, газ ва бошқа воситаларни ҳисоб-китоб қилиш имконини берди.

Шу билан бир қаторда, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 февралдаги 61-сонли «Қишлоқ хўжалик корхоналарининг санациясини ўтказиш чоралари тўғрисида» қарорини бажариш борасида ҳам «Пахта-банк» муассасалари томонидан муайян иш амалга оширилмоқда. Санация қилинаётган 104 та хўжаликнинг ҳар кунлик молиявий фаолияти банкимизнинг назоратида турибди. Бу корхоналарга ташқи бошқарувни амалга ошириш учун махсус ҳисобварақлар очилиб, ҳамма пул тушумлари ҳамда харажатлари ушбу ҳисобварақ орқали амалга оширилмоқда. Банк бўлимлари томонидан эса улардан белгиланган нормативларга мувофиқ операцияларнинг амалга оширилиши юзасидан назорат ўрнатилган. Айрим санация қилинаётган хўжаликларга энг зарур тадбирлар учун қисқа муддатли кредитлар берилди.

Айни чоқда банк томонидан хизмат кўрсатилаётган мижозларнинг муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларини қисқартириш ва молиявий аҳволини яхшилаш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда. Вазирлик ва идораларнинг бундай қарзларини босқичма-босқич бартараф этилиши юзасидан назорат ўрнатилган, жойларда эса банк бўлимлари корхона ҳамда ташкилотларга дебиторлардан маблағларини ундириш бўйича амалий ёрдам кўрсатмоқда. Ажратилаётган ресурсларни корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро қарзларни узиш учун махсус ҳисобварақлар орқали йўналтириш билан кредитлар бериш ва факторинг операцияларини амалга ошириш амалиёти қўлланилмоқда.

1998 йилда «Пахта-банк» тизимида ахборот технологиясини жорий этиш борасида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Эндиликда банкнинг бутун хўжалик фаолияти кафтдагидек яққол кўзга ташланиб туради. Марказий банк билан ҳамкорликда барпо этилган тўлов тизими тўловларнинг саноқли дақиқаларда ўтишини таъминламоқда. Тўловларнинг электрон тизимини ривожлантиришдан ташқари, бу йил ички ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришга жиддий эътибор берилди. Банк бўлимларида ўрнатилган юқори технологик ускуналар ва ҳисобга олишнинг ягона андозага келтирилганлиги дастурий-техник мажмуани барпо этиш имконини берди. Бу банкни бошқариш ишларини такомиллаштиришда муҳим ютуқ бўлди.

Янги банклар ташкил этилаётган ҳозирги шароитда улар ўртасида рақобат кучаймоқда, банк ходимларига ишни яхшилаш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан талаблар кучайтирилмоқда. Бу талабларни ҳисобга олган ҳолда, «Пахта-банк» бошқаруви ходимлари салоҳиятини шакллантириш, уларнинг малакасини ошириш, ходимларда касб ғурурини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Банк мутахассисларининг таниқли хорижий банклар иш тажрибасини ўрганиш учун чет элга боришлари амалиётга киритилмоқда.

Юқорида айтиб ўтилганидек, «Пахта-банк»нинг республикада ва хорижда нуфузининг ортиб бориши хорижий инвесторларда қизиқиш уйғотмоқда. «Пахта-банк» Осиё-Тинч океани қишлоқ ва қишлоқ хўжалигини кредитлаш уюшмаси (АПРАКА)га аъзо бўлди. Ҳозирда бир қатор халқаро молия ташкилотлари ва банклар билан қишлоқ хўжалиги ҳамда қайта ишлаш саноатини ривожлантиришни молиялаш учун кредит линиялари ажратилиши тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда.

Келгусида муваффақиятли ишлаш учун биз эришилган натижалар билан чекланиб қололмаймиз. Чунки филиалларнинг ликвидлилиги, барқарор молиявий аҳволини таъминлаш, филиаллар тармоғини кенгайтириш учун биз банк капиталининг етарлилигини қўллаб-қувватлаб туришимиз лозим. Шу муносабат билан «Пахта-банк» акцияларнинг 3,5 млрд. сўмлик V эмиссиясини эълон қилиб, Устав капиталини 6 млрд. сўмга қадар кўпайтириш кўзда тутилган.

«Пахта-банк» бундан кейин ҳам ўз фаолиятини яхшилаш, даромадлилигини ошириш, мижозлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида ишлайверади, ўзининг бутун кучини республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтиради.

**Й. ЖЎРАЕВ,**
**«Пахта-банк» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари.**



## АКЦИЯДОРЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

**Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банки — «Пахта-банк» акциядор фуқароларда мулкка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб, мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш борасида улар билан ишлаш услубини қайта кўриб чиқмоқда.**

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик-тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида банкнинг акциядорлик капитали 1500 млн. сўмдан 2500 млн. сўмга кўпайтирилди.

«Пахта-банк» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси қошидаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг «Инвестиция воситачиси» лицензиясига, шунингдек, Тошкент фонд биржасида 001-рақамли брокерлик идорасига эга бўлган ҳолда, инвестиция сиёсатини фаоллаштириб, республика қимматли қоғозлар бозорида ўз мавқеини тобора мустаҳкамлаб бормоқда.

Республика фонд бозорида «Пахта-банк» томонидан илғор ва юқори самара берувчи хизмат ва операцияларнинг бутун бир мажмуи ишлаб чиқилган ва амалиётда қўлланилмоқда.

«Пахта-банк» акцияларига пул қўйиш ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар учун манфаатли, истиқболли ҳамда энг ишончли эканини банк акциядорларининг сони 25 мингга етгани, шу жумладан, улар 5 мингга яқин юридик шахс ва 20 минг жисмоний шахсдан иборат эканлиги ҳам яққол тасдиқлайди.

Бундан ташқари, «Пахта-банк» Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида ҳам бирламчи дилер сифатида операцияларни амалга ошириб келмоқда. Бу эса банк активларини мутаносиб равишда тақсимлашга, таваккалчилик даражасини қисқартиришга ва банкнинг даромадлилигини оширишга замин яратмоқда.

Ҳозирги даврда долзарб бўлган яна бир масала — бу ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган акциядорлик корхоналари акцияларига банк маблағларини инвестиция қилиш йўли билан уларни қўллаб-қувватлашдир. Бу йўналиш бўйича «Пахта-банк» жорий йилда ўзининг инвестицион фаолиятини ривожлантиришни жадаллаштирди. Натижада банкнинг корпоратив қимматли қоғозлар портфели 1,9 баравар ўсди. Бугунги кунга келиб «Пахта-банк» фонд бозорида йирик ва нуфузли акциядорлик жамиятлари бўлмиш «Қувасойцемент» «Ўзпахтасаноатсотиш» тизимига кирувчи пахтани қайта ишлаш заводлари, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» корхоналари, «Кварц» АЖ, «Ўзгўштсутсаноат» ва «Ўзозиқовқатсаноат» корхоналари ҳамда бошқа таниқли жамиятларнинг акциялари пакетини харид қилиш билан уларнинг хўжалик-молиявий фаолиятида иштирок этмоқда. Бундай ўзаро манфаатли ҳамкорлик натижасида ушбу корхоналарнинг ишлари яхшиланмоқда, ҳамда «Пахта-банк»нинг дивидендлар олиш йўли билан даромад манбалари кўпаймоқда.

«Пахта-банк» бошқаруви қимматли қоғозлар билан ишлашни ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири деб белгилаган. Шу боис банкнинг қимматли қоғозлар бозоридаги муваффақиятлари ортиб, мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда.

**О. ХОДЖАЕВ,**
**банкнинг қимматли қоғозлар ва инвестиция-банк хизматлари бошқармаси бошлиғи.**

## ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 7 февралдаги «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун хорижий кредитлар беришни ташкил қилиш масалалари тўғрисида»ги қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 1997 йил 29 мартдаги 11-баённомаси билан тасдиқланган 327-сонли «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан лизинг операцияларини ўтказиш тартиби» йўриқномаси республикамиз қишлоқ хўжалиги тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга салмоқли ҳисса қўшди.**

Ўзбекистон туманидаги вилоят саноат-савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Шўрсув» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятимиз ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банки — «Пахта-банк» билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган. Шу туфайли хўжаликнинг асбоб-ускуна, жиҳоз, техника ва автотранспортларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида лизинг муносабатларини ривожлантиришга келишиб олинди.

Жамиятимиз асосан республика қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ишланган олтингугурт дориси билан таъминлаш, шу билан бирга, ўймакорлик ва қурилиш учун гипс, оҳак маҳсулотлари, Қувасой шаҳридаги «Кварц» ишлаб чиқариш бирлашмасига йилига 20 минг тоннадан ортиқроқ даломит хомашёси ҳамда дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарига омухта ем тайёрлаш учун кальций карбонат уни каби ярим тайёр маҳсулотлар етказиб бериш билан шуғулланади.

Корхонамиз қошидаги мавжуд автотранспортларнинг эскирганлиги, яроқсизлиги оқибатида ташқаридан ҳар куни 10-15 тагача автотранспорт ёллашга мажбур бўлар эдик. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнини тўла-тўкис ва бир маромда кечишига ва ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига салбий таъсир кўрсатиб келар эди.

Бу муаммони ечиш мақсадида «Пахта-банк»нинг Яйпан бўлими жамиятимизнинг молиявий аҳволи, унинг қишлоқ хўжалиги корхоналари учун зарур ҳисобланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш фаолиятини тўлиқ ўрганиб чиқиб, шу йилнинг март ойида бизга умумий қиймати 12,9 млн. сўмлик 3 та МАЗ-5551 русумли автосамосваллар бериш тўғрисида лизинг шартномаси тузди. Натижада ҳар ойда автотранспортларнинг ҳар бирига сарфланган харажатга нисбатан ўртача 108,7 минг сўм тежаб қолинмоқда. Ўтган саккиз ой мобайнида ҳар бир машина ҳисобидан 869,5 минг сўм, уччала машина ҳисобидан эса 2608,6 минг сўмлик тежамкорликка эришилди.

Пировардида шу муддатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи 2608,6 минг сўмга арзонлашди. Бунинг устига 1997 йилнинг шу даврида жамиятимиз томонидан 9160 тонна олтингугурт қайта ишланган бўлса, бу йил лизинг шартномасига асосан олинган бу машиналарнинг ишлаб чиқаришга жалб этилиши натижасида 11250 тонна олтингугурт қайта ишланди.

Қисқа қилиб айтганда, бу йил корхонамиз фаолиятида банк билан лизинг шартномаси асосида олинган автотранспорт воситаларининг салмоғи юқори бўлмоқда. Жумладан, ҳиссадорлик жамиятимиз ўз акциядорларига акциялар ҳисобидан тўланадиган дивидендларни ўтган йилдагига нисбатан юқори фоизларда тўланишини ҳам кўзда тутмоқда.

Жамиятимиз «Пахта-банк»дан олинган автотранспорт воситаларининг ижара ҳақи ва бошқа барча тўловларини тузилган лизинг шартномаси бўйича келишилган тартибда ўз вақтида тўлаб келмоқда. Бугунги кунгача банкдан олинган мулк қийматидан 1128,8 минг сўм қайтарилди. Жамиятимиз банк билан тузилган ушбу лизинг шартномаси бўйича қолган барча тўловларни тез кунларда амалга оширишдан манфаатдордир.

Ҳиссадорлик жамиятимиз келгусида ишлаб чиқариш жараёнини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлашга, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга, янги иш жойларини ташкил этиш ҳамда корхона фаолиятининг самарадорлигини оширишга лизинг муносабатлари орқали эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

**А. АБДУРАҲМОНОВ,**
**Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Шўрчи» ҳиссадорлик жамияти раиси.**

## БАНК БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ

**Хўжалигимиз асосан пахтачиликка ихтисослашган. Шунга қарамай, дон, гўшт-сут, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш топшириқлари ҳам ҳар йили ортиғи билан бажарилмоқда.**

Бу йил ҳам хўжалигимиз деҳқонлари давлатга 2648 тонна пахта ва 1200 тонна дон етказиб бериб, топшириқни ошириб бажардилар. Етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишда астойдил меҳнат қилган деҳқонларимизга иш ҳақи ўз вақтида берилмоқда. «Пахта-банк» ҳиссадорлари сафидан ўрин олганимиздан сўнг биз ана шундай имкониятга эга бўлдик.

Бундан ташқари, «Пахта-банк» хўжалигимизнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш борасида ҳам яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик натижасида жамоа хўжалигимизда ижобий ўзгаришлар юз бермоқда, буни хўжалигимизнинг иқтисодий жиҳатдан анча мустаҳкамланиб, жамоа аъзоларининг даромадлари кўпаяётганида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунда «Пахта-банк»нинг 4 млн. сўмлик акцияларини сотиб олганмиз. Улар ҳисобидан 1997 йил якунига кўра, 2 млн. сўм атрофида дивиденд олинди. Жамоамиз бундан кейин ҳам «Пахта-банк» билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди. Зеро, тумандаги барча хайрли ишлар «Пахта-банк» иштирокида амалга оширилмоқда.

**Ш. ЗИЁДУЛЛАЕВ,**
**Шофиркон туманидаги «Ҳайдаробод» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.**

